

ЛИСТИНГ КОМИССИЯСИ ТҮҮРИСИДАГИ НИЗОМ

(“ЎзРТХБ” АЖ Бошқарув йиғилишининг 2019 йил 30 сентябрдаги № 172 – сонли
йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган).

Тошкент – 2019 йил

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси товар – хом ашё биржасида (кейинги ўринларда – биржа) биржа савдоси Қоидаларига мувофиқ Листинг комиссияси (кейинги ўринларда – комиссия) таркибининг шаклланиши, вазифалари ва уларни амалга ошириш тартиби, Листинг комиссиясининг хуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Комиссия биржанинг доимий фаолият кўрсатувчи органи бўлиб, унинг фаолияти Бошқарув томонидан тасдиқланган биржанинг листинг комиссияси тўғрисидаги Низом билан аниқ белгилаб қўйилади.

2. Ушбу Низом талаблари биржа аъзолари ва биржа ходимлари, биржа аъзоларининг мижозлари учун мажбурий ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда Биржа савдоси Қоидалари ва “Ўзбекистон Республикаси товар – хом ашё биржаси” – “ЎзРТХБ” Акциядорлик Жамиятида биржа листинги ўtkазиш тартибida келтирилган атама ва таърифлардан фойдаланилган.

II. Комиссия таркибини шакллантириш

4. Комиссия 5 кишидан иборат.

5. Комиссия таркиби “ЎзРТХБ” АЖ Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

Комиссия таркибига қуйидагилар киради: Комиссия раиси ва “ЎзРТХБ” АЖ Бошқаруви томонидан ходимлар орасидан сайланадиган комиссиясининг икки аъзоси, комиссиянинг қолган икки аъзоси Биржа аъзолари орасидан сайланади.

6. Листинг комиссиясининг ишчи органи Маклериат ҳисобланади.

7. Комиссия аъзоларининг ваколат муддати – биржа Бошқаруви томонидан унинг таркиби тасдиқланган пайтдан бошлаб икки йил.

8. Комиссия аъзолари лавозимини алмаштиришнинг зарур шарти биржа савдоси соҳасида камидан уч йил иш тажрибасига эга бўлиш ҳисобланади.

9. Комиссияга аъзолик “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарув қарорига асосан қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

биржада ўзини тутишнинг ахлоқ-одоб нормалари бузилишига бир неча марта йўл қўйилиши;

интизомий жазо чораларини қўллаш ва биржанинг норматив ҳужжатларида баён қилинган бошқа талабларга амал қилмаслик;

комиссия аъзосининг сабабларини кўрсатган ҳолда унинг таркибидан чиқиш тўғрисидаги аризаси;

комиссиянинг ваколат муддати тугаганидан кейин.

10. Комиссия таркибида шаклланган вакансия – бўш ўринларни алмаштириш биржа Бошқаруви қарори билан амалга оширилади.

11. Комиссия Раиси ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

комиссия ишини ташкил қиласи ва биржа Бошқаруви олдида унинг фаолияти натижалари бўйича жавобгар ҳисобланади;

зарурат туғилган ҳолларда комиссия йиғилишларида иштирок этиш учун биржа мутахассислари ёки унинг аъзоларини таклиф қиласи;

комиссия ишини мувофиқлаштиради;

биржа савдосига манфаатдор иштирокчиларга Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, биржа савдоси Қоидалари, комиссия ваколатига тегишли бўлган, шу жумладан, биржа листинги ўтказиш Қоидалари бўйича масалаларда маслаҳат беради.

12. Комиссия раисининг ваколатлари ушбу Низом талаблари ва биржа листинг ўтказиш Қоидаларининг бажарилмаслик муносабати билан унинг илтимосига қўра ёки комиссия аъзоларининг камида уч аъзосининг талаби билан биржа Бошқарувининг қарори асосида муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

13. Комиссиянинг биринчи йигилишида унинг таркибидан комиссия котиби сайланади.

14. Комиссия котиби:

Лизинг комиссияси ариза берувчиларнинг (ишлаб чиқарувчи, товар мулкдори) товарларни биржа савдосида сотиш таклифи билан модуль орқали биржанинг котировкалаш варағига киритиш тўғрисидаги аризаларини қабул қиласди;

комиссия модулидаги ишларни амалга оширади, котиб бўлмаган ҳолларда – комиссия йигилишида котиб сифатида сайланган комиссия аъзоларидан бири амалга оширади.

III. Листинг комиссиясининг вазифалари ва уларни амалга ошириш тартиби

15. Ушбу Низом доирасида биржа савдоси иштирокчилари ва биржа ходимларининг биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланган, биржа листинг ўтказиш Қоидаларида баён қилинган талабларга амал қилишни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши ва ҳал қилиш комиссиянинг вазифалари ҳисобланади.

16. Комиссия вазифаларига қўйидагилар киради:

биржа товарининг талабларга мувофиқлиги, ликвидлиги, қилинган мурожаатларнинг доимиyllиги, товарларни савдоларда сотиш шартларини унификациялаш ва стандартлаштириш имкониятлари борасида экспертиза ўтказиш, намунавий биржа контрактларини шакллантиришни ўз ичига олган листинг амларини ўтказиш;

товарларни биржанинг товарларни котировкалаш варағига киритиш (листинг), товарларни котировкалаш варағидан чиқариш (делистинг) ёки товарни қайта киритиш (релистинг) орқали товарларни биржа савдоларига киритишга рухсат бериш;

такрорланмайдиган идентификация кодини берган ҳолда, намунавий биржа контракти спецификациясини шакллантириш;

аризачилар, биржа аъзоларини уларнинг шахсий кабинетлари, шунингдек биржанинг маҳсус портали орқали автоматлашган тарзда хабардор қилиш.

17. Комиссия йигилишлари заруратга қараб ўтказилади.

18. Комиссия йигилишлари, агар унда комиссиянинг камида 3 нафар аъзоси иштирок этса, қонуний кучга эга бўлади.

19. Йигилишлар Листинг комиссиясининг модулида онлайн тарзда ўтказилади.

20. Комиссия қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан модуль орқали йигилишда иштирок этаётган комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

21. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар teng бўлган ҳолатларда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

22. Биржа аъзоларининг вакиллари, биржанинг штат ходимлари, комиссия аъзолари бўлмаган экспертлар ва комиссия йигилишларида иштирок этиш учун таклиф этилган бошқа шахслар комиссия йигилишларида овоз бериш хуқуқисиз иштирок этишлари мумкин.

IV. Комиссиянинг хуқуқ ва мажбуриятлари

23. Комиссия ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қуидаги хуқуқларга эга бўлади:

товарларни биржа савдоларига қўйиш учун рухсат бериш ёки бермаслик, уларни биржанинг котировкалаш варафининг тегишли бўлимига киритиш хақида қарорлар қабул қилиш;

аризачилар томомнидан берилган аризалар ёки Биржа листингини ўтказиш тартибида кўрсатилган бошқа сабабларга кўра илгари савдога қўйилган товарларни биржанинг товарларни котировкалаш варағидан чиқариш ҳақидаги қарорни қабул қилиш;

ўзининг ваколатига киравчи кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар бўйича биржанинг бошқа комиссияларидан фикр-мулоҳазаларини сўраш;

биржанинг масъул ходимлари, унинг таркибий тузилмалари, биржа аъзоларига Комиссиянинг ваколатига киритилган масалалар юзасидан зарур хужжатлар, ёзма хulosалар ёки бошқа материалларни тақдим қилиш хақида илтимоснома билан мурожаат қилиш. Комиссия билан ҳамкорлик қилишни рад этиш интизомий жавобгарликни кўзғаш учун асос бўлиши мумкин;

Арбитраж комиссиясида кўриб чиқиш учун комиссия ва биржа аъзоларининг мижозлари ўртасида юзага келган низоли масалаларни комиссияга киритиш;

товарларни биржанинг товарларни котировкалаш варағига киритиш ҳақидаги аризаларда Биржа листингини ўтказиш тартибида кўзда тутилган асословчи хужжатлар мавжуд бўлмагандан, уларни аризачиларга қайтариш.

24. Комиссия қуидагиларга мажбур:

биржалар ва биржа фаолиятига доир қонун хужжатлари, Биржа савдоси Қоидалари, Биржа листингини ўтказиш тартиби ва биржанинг бошқа ички (локал) хужжатлари талабларига амал қилиш;

мижозларни товарларни биржанинг товарларни котировкалаш варағига киритиш ёки аввал киритилган товарларни ундан чиқариш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш вақтида Биржа листингини ўтказиш тартибида ўрнатилган регламент – тартибга қатъий амал қилиш;

товарларни биржанинг товарларни котировкалаш варағига киритилганлиги ёки чиқарилганлиги тўғрисида ариза берувчилар (ишлаб чиқарувчилар, товар эгалари), биржа аъзолари ва Маклериатни Листинг комиссиясининг модули ва биржа портали (uzex.uz) орқали хабардор қилиш.

V. Мазкур низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

25. Мазкур Низомга ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш бўйича ташабbus кўрсатиш хуқуки биржа Бошқаруви ва Листинг комиссиясига берилади. Ушбу Низомга ўзгартариш ва қўшимчаларни киритиш биржа Бошқарувининг қарори билан амалга оширилади. Низомга киритилган ўзгартариш ва қўшимчалар биржанинг расмий сайтида чоп этилганидан кейин кучга киради.

26. Ушбу низом тасдиқланган кундан бошлаб 5 иш куни ўтгандан сўнг кучга киради.